



ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари Виктор Каранкевич бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг самимий салом ва эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчисининг шу йил 8-9 июль кунлари Минск шаҳрига амалга оширган расмий таширифи, энг аввало,

савдо-иқтисодий соҳада самарали натижалар бергани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар режасини ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Юртимизда биринчи атом электр станцияси ва турдош инфратузилмани барпо

этишда Беларусь тажрибасидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак атом электр станциясини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларини экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, соҳа учун миллий кадрларни тайёрлаш ҳамда тегишли олий таълим муассасалари ўртасида қўшма дастурларни йўлга қўйиш шулар жумласидан.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТЛАР ИШОНЧИ БИЛАН БЕЛАРУСДА ОЧИЛГАН ЯНГИ ЭШИК

ЁХУД СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЕҲНАТНИ ДАРОМАДГА, ЕРНИ ҲОСИЛГА ВА ДЎСТЛИКНИ ИККИ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА АЙЛАНТИРМОҚДА?

Халқаро ҳамкорлик

Халқаро муносабатлар ҳақида гап кетганда, кўпинча расмий таширифлар, имзоланган ҳужжатлар, савдо рақамлари ва дипломатик баёнотларни тилга оламиз. Албатта, буларнинг барчаси муҳим. Аммо оддий инсон учун ташқи сиёсат кундалик ҳаётида сезиладиган натижалар орқали маъно касб этади. Янги иш ўрни, барқарор даромад, фарзандлар учун таълим имконияти, меҳнат ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси ва етиштирилган маҳсулот учун бозор дилпотианининг халқ ҳаётига кирган кўринишидир. Сиёсат одамлар ҳаётига иш ўрни, уй-жой, таълим, технология ва даромад бўлиб киргандагина ҳақиқий кучга айланади.

Президентимизнинг жорий йил 8-9 июль кунлари Беларусь Республикасига расмий таширифига шу нуқтаи назардан қарасак, унинг тарихий аҳамияти янада яққол

намоён бўлади. Ташриф якунида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларация имзоланди ва икки мамлакат

раҳбарлари бу воқеани муносабатлар тарихидаги янги босқич деб баҳолади.

Мен учун ҳам ташрифнинг энг катта якуни “стратегик шериклик” муносабатларининг йўлга қўйилганидир. Аммо бу атамага ҳақиқий вазн берган нарса бошқа: энг муҳим янгилик икки Президент ўртасида шакланган самимий ишонч туфайли оддий одамлар учун илгари бу даражада мавжуд бўлмаган амалий имкониятлар пайдо бўлганидир.

Ишонч ҳужжатга жон бағишлайди

Давлатлар ўртасида шартнома имзолаш, савдо режаларини тузиш мумкин. Аммо томонлар ўртасида ҳақиқий ишонч бўлмаса, кўп ҳужжат қоғозда қолиб кетади.

► Давоми 3-бетда

58th IChO

July 10-18, Tashkent

Uzbekistan 2026

ДУНЁ ЁШ КИМЁГАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ

буюк кашфиётларга қўйилган мустаҳкам қадамдир

Жорий йилнинг 10-19 июль кунлари дунё мамлакатлари нигоҳи яна бир бор Ўзбекистонга қаратилди. Илм маркази сифатида шуҳрат қозонаётган ватанимиз дунёдаги энг нуфузли интеллектуал мусобақалардан бири — 58-халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилди. Мазкур олимпиада Ўзбекистонда ва умуман, Марказий Осиёда илк бор ташкил этилди.

► Давоми 5-бетда

ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИ СИФАТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ичимлик ва оқова сув хизматларини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан қарийб 83 фоизга кўтарилди.

Шу даврда 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 11 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди, яна 1,1 миллион киши канализация тизимига уланди. 39 минг километр ичимлик сув ва 3,2 минг километр оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди. 3,4 мингта ичимлик сув иншооти, 295 та оқова сув иншооти ва насос станцияси барпо этилди ҳамда янгиланди.

Келгуси йилларда ичимлик суви таъминотини 90 фоизга, шаҳарларда канализация хизмати қамровини 80 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун қўшимча 1,3 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари эришилган натижалар билан бирга лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш тизими ҳали талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Андижон шаҳридаги канализация тизимида юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун 107 миллиард сўм ажратилди. Сергели туманида ёқимсиз ҳид тарқалишининг олдини олиш мақсадида замонавий филтрларни ўрнатиш ишлари бошланди.

Сурхондарё вилояти аҳолисини Тўпалам сув омборидан ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси доирасида Термиз шаҳрига тармоқ тортиб келинди. Йил якунига қадар Шеробод, Музработ, Ангор ва Жарқўргон туманларига ҳам сув етказиб берилиши белгиланди.

Тақдиротда ҳудудлардаги энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 513 та маҳаллага марказлашган ичимлик суви олиб бориш, яна 3 мингта маҳаллада таъминот сифатини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Ичимлик суви хонадонгача етказиш ишларини тўлиқ якунлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда

232 мингта сув колонкаси ўрнига тармоқларни бевосита уйларгача тортиш кўзда тутилган.

Йил якунига қадар умумий қиймати 600 миллион долларлик ишлар амалга оширилади. Уларнинг доирасида 1,6 минг километр ичимлик сув ва 387 километр канализация тармоғи, 80 та сув ҳамда 29 та оқова сув иншооти қурилади.

Натижада 107 та маҳалладаги 310 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланади, 453 та маҳаллада истиқомат қилувчи 2,5 миллион аҳоли учун сув таъминоти яхшиланади.

Қашқадарё вилоятида “Ҳисорак” сув омборидан ичимлик сув олиб келиш лойиҳасини жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Қиймати 217 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа Қашаши, Ғузур ва Қарши туманлари ҳамда Қарши шаҳридаги 1,1 миллион аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

Мутасаддиларга лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари экспортизасини қисқа муддатда якунлаш ва молиялаштириш манбасини аниқлаш топширилди.

Шунингдек, Фарғона, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш бўйича қарз ва грант битимларини имзолаш, пойтахтда янги канализация иншоотини қуриш лойиҳаси юзасидан якуний ҳулоса киритиш вазифалари белгиланди.

1 сентябрга қадар умумий қиймати 317 миллион долларлик 6 та лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокараларни якунлаш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Сув таъминоти корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Амалдаги тарифлар хизматларнинг ҳақиқий таннархини тўлиқ қопламаётгани, ҳудудлар кесимида кескин фарқлар мавжудлиги соҳанинг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан ичимлик суви ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш вазифаларини ажратиш, Магистрал сув таъминоти корхонасини ташкил этиш таклиф қилинди. У ҳудудий

корхоналарга ичимлик суви ягона улгуржи тариф асосида етказиб беради.

Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларини шаффоф ва иқтисодий асосланган мезонлар асосида белгилаш учун Идоралараро тариф комиссиясини ташкил этиш, 2027 йил 1 апрелдан бюджет ташкилотлари учун ягона тарифни жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Демографик ва иқтисодий ўсиш натижасида 2030 йилга бориб, мамлакатимизда ичимлик сув истеъмоли ҳозирги 941 миллион куб метрга нисбатан яна 230 миллион куб метрга ортиши кўтилмоқда. Бу сув ресурсларини аниқ ҳисобга олиш ва йўқотишларни камайтиришни тақозо этади.

Шу боис, истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни тўлиқ онлайн тизимга ўтказиш, шаҳар ва туман марказларидаги барча истеъмолчилардан масофадан маълумот узатуви замонавий сув ҳисоблагичларини ўрнатиш белгиланди.

Сув иншоотлари ва тармоқларининг рақамли харитасини яратиш, бошқарува “SCADA”, “GIS”, телеметрия ва ягона биллинг тизимларини кенг жорий этиш орқали сув йўқотишларини 35 фоиздан 25 фоизга тушириш вазифаси қўйилди.

Соҳада сунъий интеллект асосида насос ускуналарининг ишини таҳлил қилиш, авариялар ва сув оқишини олдиндан аниқлаш, истеъмол ҳажмини прогнозлаш ҳамда аҳоли муурожаатларини тезкор кўриб чиқишга қаратилган лойиҳалар ҳам тақдимот қилинди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида алоҳида факультет очиш таклифи қўллаб-қувватланди. Шунингдек, ҳудудлардаги техникумлар базасида ичимлик ва оқова сув йўналишида дуал таълимни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз тақдирот якунида лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, хизматлар қамровини кенгайтириш, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, соҳани рақамлаштириш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА



ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЧЕҲРАСИДАГИ МАМНУНЛИК

800 га яқин маҳаллада қарийб 8 миллион аҳоли илк бор ичимлик сув билан таъминланди

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонимиз барпо этиш йўлида кечаётган шиддатли ислохотлар марказида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, фаровонлигини ошириш мақсади турар экан, бунда шубҳасиз, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга.

Куни кеча Президентимиз ичимлик ва оқова сув хизматларини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишар экан, айни жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари келинги йилларда эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан бирга ушбу йўналишда лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бутунгун кунга келиб сув инсоният олдида турган энг муҳим стратегик масалалардан бирига айланди. Бир пайтлар табиатнинг туганмас



Ортга қайтмас ислохотлар



неъмат сифатида қабул қилинган бойлик бугун давлатларнинг иқтисодий қудрати, экологик барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини белгилашда ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Иқлим ўзгариши, сув захираларининг қисқариши ва унга бўлган эҳтиёжнинг муттасил ортиши дунё ҳамжамиятини мавжуд ресурсларга мулҳо

янги нигоҳ билан қарашга ундайтти. Ана шундай шароитда суви бошқариш масаласи алоҳида тармоқ вазифа бўлиб қолмай, мамлакатнинг бутунлиги ва келажагини белгилайдиган муҳим йўналиш сифатида намоён бўлаётти.

► Давоми 2-бетда

2026 йил 21 июль, 146-сон



Ортга қайтмас ислохотлар



Аҳмад СУВОНҚУЛОВ,
“Ўзсувтаъминот” АЖ
бошқаруви раиси вазифасини
бажарувчи

Бошланиши 1-бетда

Глобал қаҳриқлар Ўзбекистон учун ҳам долларб аҳамият касб этади. Кейинги тўққиз йилда мамлакатимизда сув таъминоти ва оқова сув тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Янги инфратузилмалар барпо этилди, соҳани бошқаришнинг замонавий механизмлари жорий қилинди, сув ресурсларини бошқаришга доир ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Натижада сувга муносабат сифат жиҳатдан яхшиланди. Эндиликда сув таъминоти масаласи оддий коммунал хизмат доирасида чекланиб қолмай, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий тараққиёт, экологик мувозанат ва мамлакат келажаги билан узвий боғлиқ йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Рақамлар ортида инсон тақдир

Тармоқдаги ишлар натижасини қурилган иншоотлар ёки ётқизилган қувурлар сонидан кўра инсон ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан баҳолаш тўғриси бўлади. Зеро, ҳар бир рақамда мўайян тақдир, ҳар бир лойиҳа замирида инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи мўжассам. Кейинги йилларда мамлакатимизда 789 та маҳаллада истиқомат қиладиган 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ва сифатли ичимлик сув билан таъминланди. Бир қарашда оддий статистикадек кўриниши мумкин. Аммо бунинг ортида йиллар давомида тоза сув илинжида яшашган оилаларнинг орзу-умидлари, ҳар кунни сув излаб босилган узун йўللар ва ниҳоят рўёбга чиққан эзгу орзулар мўжассам.

Чунки бундан маълум йиллар олдин мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида тонг сув ташини билан бошланарди. Айрим хонадонларда кун тартиби сув машинаси қачон келишини кутишга қараб белгиланарди. Узоқ масофалардан ташиб келинган ҳар бир челақ сув эҳтиёжга қараб эмас, тежаб-тергаб сарflanарди. Сувнинг қадри унинг нархида ўлчанмаган, унга етиш учун тўқилган меҳнат ва чеккан машаққатда яққол намоён бўлган. Қилинган ишларнинг меваси ўлароқ энди минглаб оилалар ҳаётига кириб келган қўлайлик, соғлом турмуш тарзи, хотиржамлик ва ишончининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда. Оилаларда санитария ва гигиена талабларини таъминлаш имкониятлари кенгайди.

Ўзгаришлар аҳамиятини дунё миқёсида кечаётган жараёнлар билан таққослаганда янада теранроқ англаш мумкин. Сайёрамизнинг турли бурчакларида миллионлаб инсонлар ҳали



Инсон қадри учун

Сув борган ҳудуд ўзгаради. Боғ роғлару обод гўшалар кўпаяди. Атроф яшилликка бурканиб, инсонлар яшашда, турмушида ўзгариш бўлади. Шу боис, сувни ҳаёт деб айтишади.

Бошқа манзилларни билмадик, лекин Қашқадарёда обиҳаётнинг, айниқса, ичимлик сувнинг қадри баланд. Унинг бир томчиси беҳудага сарflanавермайди. Бу кўникма ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. Йиллар давомида сув тақчиллиги, уни ташиб ичиш машаққати инсонларда тежамакорликни кучайтирган. Ҳатто улар юз-қўлни ювиш учун ишлатилган сувни ҳам беқорга оқизиб юбормайди. Уни ўй олдига ўтказилган ниҳол тағига қўяди.

Воҳаниннг чўл ҳудудлари томон йўлингиз тушса, ҳар бир хонадонда ёпиқ ҳовузаларга қўзингиз тушади. Аҳоли уни тўлдириш учун 4-5 тонна сув сотиб олади. Фақат ичиш учун ишлатилганлиги бу сув тўғрли ой рўзгорини обод қиладди. Бошқа эҳтиёжлар учун эса алоҳида ҳовузга ёмғир суви йўналиди.

Дилрабо опа Ғузор туманидаги Чаноқ маҳалласига келин бўлиб тушганига кўп йиллар бўлди. У илк бор ичимлик сув ҳовузда сақланишини кўриб ҳайратланган. Ўшанда у келинлик уйи туман марказига яқин бўлса-да, қувур орқали сув келмаганига ажабланганди. Шу боис, бошқалар каби сувнинг ҳар томчисини тежаб ишлатишга одатланди.

— Шу маҳаллага келин бўлганимга 35 йилдан ошди, — дейди Дилрабо Бердиева. — Утган йиллар давомида ичимлик сув муаммо бўлиб келди. Гоҳида сотиб олиш учун ҳам сув топа олмай қолардик. Қачон бошқа жойлар каби эшигимиз олдига сув келаркан,

дея орзу қилардик. Бу йил ниятимиз амалга ошди. Қувур тортилиб, ичимлик сув келтирилди. Бундан жуда хурсандим.

Сўнгги йилларда воҳада аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ижтимоий инфратузилма ривождаги устувор йўналишлардан бирига айланди. Айниқса, халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар сув таъминоти тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Кўпгина манзилларда йиллаб ечимини кутаётган муаммоларга барҳам берилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2024 йил 28 март куни “Ислом тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини имзолаган эди. Ушбу қарор ижроси доирасида Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаш ва Ғузор туманларидаги 25 та маҳаллада ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари қизғин тус олган.

Умумий қиймати 94,7 миллиард сўм бўлган мажбур лойиҳалар учун 2026 йилда 60,1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режалаштирилган. Бугунгача ичимлик сув учун 269,3 километр янги тармоқлар тортилди. Шунингдек, бир қатор сув иншоотлари қурилиб, тизимнинг ишончили фойдаланиш юртиши учун замонавий муҳандислик ечимлари жорий этилмоқда. Масалан, Китоб туманида олпига

маҳаллада 40,6 километр, Шахрисабз туманида тўртта маҳаллада 60,1 километр, Яккабоғ туманида 31,7 километр, Яқини 34,3 километр ҳамда Ғузор туманида 93,5 километр янги ичимлик сув тармоқлари қурилди. Бу рақамлар ортида эса минглаб оилаларнинг кундалик турмуши, соғлиғи ва ҳаёт сифати мўжассам. Қолаверса, ярим, чорак асрлик орзуларининг амалий рўёбини ҳам кўриш мумкин.

Таҳлилларга эътибор берган бўлсангиз, энг кўп иш Ғузор туманида бажарилган. Аслида, кўп йиллар бу туманда ичимлик сув таъминоти бўйича айтирли иш қилинмаган. Мурожаатлар эса очиклигича қилиб кетаверган. Ҳеч бир масъул бу борада бош қотирмишга гоҳида вақт, баъзан маблағ топмаган. Оқибатда аҳолининг эътирозлари ортиб бораверган.

Ғузорда бутун 227 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ачинарлиси, яқин вақтгача уларнинг атиги 77,9 минг нафари, яъни 34,3 фоизи марказлашган ичимлик сувдан фойдаланарди. Қолган аҳоли эса сувни махсус автомашиналарда ташиб келтиришга мажбур эди. Бу нафақат ортинча харажат, қўшимча вақт, балки санитария ва турмуш сифати билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарарди.

Янги лойиҳа доирасида Хумдон, Халқобод, Янгйобод, Мўминобод, Бўстон ва Чаноқ маҳаллаларида 121,3 километр янги ичимлик сув тармоқлари тортилди. Бу ишлар учун 19,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳозир

илмий ёндашув татбиқ этилгани табиий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳам катта ижтимоий натижага эришиш мумкинлигини амалда исботлади.

Қашқадарё вилоятидаги “Оқсув — Деҳқонбод” лойиҳаси эса ўзининг ижтимоий ва тарихий аҳамияти билан алоҳида ўрин тутди. Илгари марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси атиги 1,8 фоизни ташкил этган ҳудудда бу кўрсаткич 51,7 фоизга етказилди. Натижада 76 мингдан зиёд аҳоли илк бор марказлашган сув таъминоти тизими билан қамраб олинди, ижтимоий адолат қарор топди.

Жараёнинг энг ёрқин ифодаси Қорақалпоғистон Республикасида кечаётган ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Чунки ҳудудда сув масаласи шаклланган ҳаётини зарурат, ҳатто айрим жойларда тирикчиликнинг энг оғир синовиға айланганди.

Қорақалпоғистонда халқаро молия институтлари, давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари иштирокида кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу ёндашув орқали сув таъминоти тизимини босқичма-босқич янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган. Жумладан, 2027-2028 йилларда 200 миллион долларлик инвестициялар ҳисобидан ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган.

Амалдаги натижалар ҳам қувонарли. Жумладан, Нукус шаҳридаги сув тозалаш иншооти реконструкция қилиниб, унинг суткалик қуввати 60 минг куб метрдан 95 минг куб метрга етказилди. Энг муҳими, шаҳар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 81 фоиздан қарийб 100 фоизга етди. Бу рақам ортида эса бутун бир шаҳар ҳаётининг ўзгариши, одамларнинг кундалик ташвишлардан халос бўлиши мўжассам.

Нукус туманида ҳам Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган лойиҳа доирасида 263 километр сув тармоқлари тортилиб, 31 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи тубдан яхшиланди. Натижада сув билан таъминланиш даражаси 68,4 фоиздан қарийб 90 фоизга етди.

Амударё туманида қиймати 29 миллион долларлик йирик лойиҳа доирасида 354 километр сув тармоғини тортиш ва 3 та сув тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар 295 километр тармоқ барпо этилгани бу жараёнинг юқори суръатларда давом этаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, Амударё, Беруний, Қораўзақ, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларида Осиё тараққиёт банкининг 145 миллион долларлик дастури асосида амалга оширилаётган ишлар бутун ҳудуд бўйлаб сув таъминотини яхшилаш, ҳудудлар ўртасидаги фарқни қамайтириш ва барча фуқаролар учун тенг ҳаётини имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, лойиҳаларнинг барчаси келажакка қаратилган. Одамлар ҳаётидаги оғирлик енгилашади, маҳаллалар қиёфаси ўзгаради, асосийсин, инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

Қорақалпоғистон мисолидаги ислохотлар сув таъминоти соҳасини оддий техник тизим эмас, балки ижтимоий адолат, инсон қадри ва барқарор тараққиётнинг муҳим устуниға айлантираётганини яққол намоён этмоқда.

Халқаро ҳамкорлик: молиялаштиришдан ташқари имкониятлар

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик кўпинча фақат қўшимча молиявий манба сифатида баҳоланади. Бироқ амалда бундай ҳамкорликнинг мазмуни анча кенг ва стратегик аҳамиятга эга. У замонавий технологияларни жалб қилиш, сув ҳўжалигини бошқаришда илгор халқаро тажрибаларни жорий этиш ҳамда миллий мутахассислар салоҳиятини оширишнинг муҳим воситасидир. Шу маънода, ҳар бир халқаро лойиҳага инфратузилмани янгилаш билан бирга бутун тизимни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконияти сифатида қарамолди.

Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган “Қодирия” сув иншоотини реконструкция қилиш лойиҳаси алоҳида



билан таъминлаш даражаси 48 фоизга ортганини кўриш мумкин.

Туманда айна пайтга қадар лойиҳа ишларининг қарийб 60 фоизи бажариб бўлинган. “Қашқадарё сув таъминоти” акциядорлик жамияти маъмуриятининг маълум қилишича, лойиҳа доирасида жами 121 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Жорий йилнинг сентябрь ойида қурилиш ишларини тўлиқ якунлаш мақсад қилинган.

— Илгари бир машина сув учун 250-300 минг сўм тўлардик. Энди сув ҳар бир хонадон эшигигача келди. Маҳалладаги 673 та хонадоннинг ҳар бирига ичимлик сув тармоғи тортилиб, ҳисоблагич ва жўмақлар ўрнатилди. Бу одамларнинг оғирини енгил қилди. Нафақат маҳалла, балки кўнглилар ҳам обод бўлди, — дейди “Чаноқ” МФЙ раиси Мастура Ҳайитова.

Жорий йилда Хумдон маҳалласи учун ҳам қувончли воқеа бўлади. Сабаби мажбур ҳудудда ҳам айна пайтгача сув таъминоти борасида катта ишларга қўл урилган. Маҳалладаги қарийб 1200 хонадоннинг ҳар бири ичимлик сув билан таъминланишини кутиб, ишларни зўр қизқиш билан кузатиб бормоқда.

— Болалигимизда бобо ва бувиларимиз суви ифлос қилмаслигини кўп бор уқитган. Бу бежиз эмас, албатта. Обиҳаёт бор ийода турмуш гўзал бўлади. Инсон яшаш ҳаёт кечиради, — дейди Хумдон маҳалласи раиси Дилрабо Йўлдошева. — Бизнинг кўчамизда ҳам байрам

аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар натижасида Тошкент вилоятининг Қўрай, Зангиота ва Тошкент туманларида истиқомат қилувчи 8 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Шу билан бирга, 265 минг аҳолининг сув таъминоти сифат ва барқарорлик жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланди.

Шунингдек, Жаҳон банки кўмағида Бу-хоро вилоятида амалга оширилган лойиҳа доирасида “Двойник” сув тозалаш иншооти реконструкция қилинди. Бундай ташаббус натижасида Олот ва Қорақўл туманларида яшовчи қарийб 280 минг аҳоли биринчи марта марказлашган ичимлик сув тизимига уланди. Бу ҳудудларда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратишда муҳим омил бўлди.

Амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик сув ҳўжалиги соҳасида фақат молиявий ресурсларни жалб қилиш билан чекланимайди. У орқали лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишнинг янги стандартлари, самарали бошқарув механизмлари ва техник ечимлар тизими миллий амалиётга изчил жорий этилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик бутун сув сиёсатининг муҳим таъинларидан бирига айланиб бораётди. Чунки у нафақат молиявий имкониятларни кенгайтиради, балки ислохотлар сифатини ошириш, тизимни модернизация қилиш ва инсон манфаатларига йўналтирилган самарадорликни таъминлашга хизмат қиладди.

Хизматлар сифати янги босқичга олиб чиқилмоқда

Соҳадаги ишлар янги инфратузилмаларни барпо этиш билан чекланиб қолмайди. Сув таъминоти соҳасини бошқариш тизимини тубдан модернизация қилиш ҳам стратегик устувор йўналишлардан бирига айланиб, хизматлар сифатини ошириш, жараёнларни шаффофлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Шу жараёнда жорий этилган “UzWater” ягона биллинг тизими ҳисоб-китоблар шаффофлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Бутун истеъмолчилар ўз сув сарфини онлайн кузатиш, тўловларни масофадан амалга ошириш ҳамда ҳисоблагич кўрсаткичларини мустақил киритиш имкониятига эга бўлиш ортидан қўлайликни ошириш билан бирга хизмат кўрсатиш маданиятини ҳам янги босқичга олиб чиқди.

Шунингдек, сув таъминоти инфратузилмасини рақамли бошқариш йўналишида GIS геоаборот тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ушбу тизим орқали тармоқлар ва иншоотларнинг электрон харитаси шакллантирилиб, уларнинг ҳолати реал вақтга яқин режимда таҳлил қилинмоқда. Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарларида мазкур тизим тўлиқ ишга туширилган бўлса, Сирдарё вилоятининг Ғўлистон ва Янгиер шаҳарларида тегишли маълумотлар базасини шакллантириш ишлари давом этмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — SCADA автоматлаштирилган бошқарув тизимидир. Ушбу технология сув таъминоти иншоотларини масофадан назорат қилиш ва оператив бошқариш имконини бермоқда. Натижада инсон омилига боғлиқлик қамайиб, техник хатолар хавфи сезиларли даражада қисқарди, шунингдек, жараёнларда шаффофлик ортиб, бошқарув самарадорлиги ошди.

Сўнгги ўн йил сув таъминоти тизимини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш даври бўлди. Ушбу вақт мобайнида соҳага йўналтирилган инвестициялар амалий натижа бериши, халқаро ҳамкорлик реал ўзгаришларга хизмат қилиши ва тизимли ислохотлар аҳоли ҳаёт сифатини ошириши амалда исботланди.

Бутун олдимизда янги ва масъулиятли ва-зифалар турлибди — эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, хизматлар қамровини кенгайтириш ва тизимнинг барқарор ривожланишини таъминлаш. Мақсад аниқ ва қатъий: мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сифатли ичимлик сувдан узуксиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Бу давлат сиёсатининг энг муҳим ижтимоий мажбуриятларидан биридир.

ҒУЗОРЛИКЛАР НИЯТИ АМАЛГА ОШДИ



бўлишига оз фурсат қолди. Насиб этса, Мустақиллигимизнинг 35 йилгига байрамни қувончи воқеалар билан бирга нишонлаймиз. Ўзгаришларни кўриб, элимизнинг кайфияти кўтарилди.

Лойиҳаларнинг самараси қурилган қувурлар ёки ўзлаштирилган маблағлар билан эмас, унинг инсонлар ҳаётидаги амалий ўзгаришлари билан ўлчанарди. Бир вақтлар сув ташини учун юз, икки юз минг сўм маблағ сарфлаган хонадонлар бутун барқарор коммунал хизматдан фойдаланмоқда. Санитария шaroитлари яхшилланмоқда. Вақт ва маблағ тежаляпти.

Воҳада амалга оширилаётган мажбур лойиҳалар инфратузилма қурилиши билан чекланимайди. Улар қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини юксалтириш, барча ҳудудда бирдек фаровон шарoит яратишга қаратилган.

Яна бир гап. Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимининг яхшиланиши нафақат кундалик турмуш сифатини оширади, балки ҳудудларда экологик барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиий.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Халқаро ҳамкорлик

ПРЕЗИДЕНТЛАР ИШОНЧИ БИЛАН БЕЛАРУСДА ОЧИЛГАН ЯНГИ ЭШИК

ёхуд стратегик шериклик қандай қилиб меҳнатни даромадга, ерни ҳосилга ва дўстликни икки халқ фаровонлигига айлантирмоқда?



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ҳўжалиги вазири,
академик

Бошланиши 1-бетда

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко ўртасидаги очиқ, самимий ва амалий мулоқот эса икки мамлакат муносабатларига янги руҳ олиб кирди. Буни расмий учрашувларнинг илиқ муҳитидагина эмас, улардан кейин қабул қилинган аниқ қарорларда ҳам кўриш мумкин.

Беларусь Президенти ушбу ишларни Ўзбекистон раҳбарига берган ваздасининг ижроси сифатида очиқ ифодаляб, Ўзбекистонлик фуқаролар Беларусга келганда ўзларини бегона ҳис қилмаслиги, улар учун муносиб турар жой шaroитлари яратилиши, фарзандлари беларуслик болалар билан тенг шaroитда богча ва мактабларга бориши кераклигини таъкидлади. Бу ёндашув “ишчи келсин, ишини қилиб кетсин”, деган эски қарашдан анча йироқ; бу ерда инсоннинг фақат меҳнати эмас, оиласи, фарзанди, уйи, ижтимоий ҳимояси ва жамиятдаги қадри ҳақида гап кетмоқда. Кузатишимча, Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари тарихида меҳнат, тадбиркорлик, аграр ишлаб чиқариш, уй-жой ва оилавий ижтимоий мослашуви бир бутун тизим сифатида кўрадиган бундай кенг имконият илгари бу даражада кун тартибига қўйилмаган эди.

Ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қабул қилинган қарорлар узоқ муҳокамалар орасида қолиб кетмади. Ҳўжатлар имзолашнинг билан ҳудудлар, вазириликлар, тадбиркорлар ва мутахассислар аниқ лойиҳалар устида иш бошлади.

Андижон ва Витебск ўртасидаги ҳамкорлик, янги чорвачилик мажмуалари, фуқароларни ташкиллий асосда ишга жойлаштириш ва логистика йўналишидаги ишлар сиёсий ишончининг қисқа вақт ичида амалий ҳаракатга айланаётганини кўрсатмоқда.

Бир томонда имконият, иккинчи томонда ташаббус

Ҳамкорликнинг иқтисодий мантиғи жуда содда. Бир мамлакатда қишлоқ ҳўжалиғи ерлари, чорвачилик объектлари, ишлаб чиқариш бинолари, техника, технология ва бозор мавжуд, айрим ҳудудларда меҳнат ресурсларига эҳтиёж сезилади. Иккинчи мамлакатда эса ер билан ишлашни, чорва боқишни, деҳқончилик қилишни ва тадбиркорликни уздайлайдиган меҳнаткаш одамлар бор. Бундай вазиятда икки имкониятни бирлаштириш тизимлар учун табиий ва манфаатли ечимга айланади.

Беларусда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун санаот объектлари, давлат мулки ва кенг қишлоқ ҳўжалиғи майдонлари тақлиф этилмоқда. Мамлакат ҳудудининг қарийб 40 фоизи, яъни 8 миллион гектарга яқин қисми қишлоқ ҳўжалиғи ерларидан иборат. Аини пайтда, айниқса, Витебск ва айрим бошқа ҳудудларда ишчи кучига эҳтиёж юқори.

Ўзбекистонда эса янги касб ва барқарор даромад излаётган минглаб фуқаролар, шунингдек, хорижда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёр тадбиркорлар бор. Бу ерда бир томон иккинчисига ёрдам бераётгани

Икки Президент сиёсий ирода билан катта имконият яратди. Энди вазириликлар, ҳокимликлар, агентликлар, банклар, тадбиркорлар, олимлар ва миграция тузилмаларининг вазифаси бу имкониятни аниқ натижага айлантириш, яъни очилган эшик олдида одамларни кутиб қолдирмасликдир.

йўқ: икки эҳтиёж ўзаро манфаатли ечимда учрашмоқда. Беларусь ер, бино, инфратузилма, технология, техника, уруғ ва илмий-амалий кўмак билан, Ўзбекистон эса меҳнат, ташаббус, инвестиция, тадбиркорлик ва бозор билан иштирок этади. Натижада мавжуд объектлар ишга тушади, ер ҳосил беради, қишлоқда иқтисодий ҳаёт жонланади, одам даромад топади ва икки мамлакат бозорига янги маҳсулот чиқади. Шу маънода, ер меҳнати, меҳнат эса ерни излаб топмоқда.

Бу оддий меҳнат миграцияси эмас

Ташриф доирасида Ўзбекистон фуқароларини Беларусда вақтинчалик меҳнат фаолиятига уюшган тартибда жалб қилиш тўғрисида алоҳида битим қабул қилинди. Бу ҳўжат меҳнат муносабатларини тасодиқий воситачилар ёки оғзаки ваъдалар орқали эмас, давлатлар ўртасида келишилган қонуний механизм асосида ташкил қилиш учун ҳўқуқий пойдевор яратди.

Ҳозирнинг ўзида Андижон вилоятидан 255 фуқаро Витебск вилоятига уюшган тартибда бориб, иш билан таъминланди. Улар орасида тажрибали фермерлар, тадбиркорлар ва янги касб излаётган ёшлар бор — ҳар бирининг ортида оила ва келажакка умид турибди. Биринчи босқичда Витебск ва бошқа ҳудудлардаги 13 та корхонага 1100 фуқаро-ни танлов асосида жойлаштириш, сентябрь ойдан бошлаб ҳар ой 500 нафардан, жами 5 минг андижонликни иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Витебск шаҳрида Ўзбекистон Миграция агентлиғи ваколатхонасини очиш ҳам кўзда тутилмоқда. Андижон ва Витебск ўртасида шаклланаётган ҳамкорликни фақат икки ҳудуд доирасидаги тажриба деб қарамаслик керак. Бу Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Беларусь ҳудудлари билан тўғридан тўғри боглайдиган амалий моделнинг бошланишидир. Ҳар бир ҳудуд тадбиркорлари, меҳнат ресурслари, маҳсулотли ва ташаббуси билан чиқади, Беларусь томони эса аниқ объект, ер, инфратузилма ва маҳаллий ҳамкорларни тақлиф қилади. Шу тариха давлатлараро муносабатлар пойтахтлар ўртасидаги мулоқотдан ҳудудлар, корхоналар ва одамлар ўртасидаги кундалик ҳамкорликка айланади.

Фуқаролар қишлоқ ҳўжалиғи билан бирга қурилиш, санаот, хизмат кўрсатиш соҳаларида ва айрим табиий ёрдамчи йўналишларда ҳам ишлаши мумкин. Беларусь раҳбари томонидан оилалар учун уй-жойни таъмирлаш ёки янги-дан қуриш, болаларнинг мактабгача таълим ва мактаб тизимида қириши учун тенг шaroит яратиш масаласи шахсан қўйилди. Аммо келишувлар ишининг бошланиши, ҳолос. Инсон манфаати ҳақиқатан таъминланиши учун ҳар бир фуқаро йўлга чиқишдан олдин иш жойи, касби, оиллик иш ҳақи, иш вақти, яшаш шaroити, овқатланиш, транспорт, меҳнат муҳофазаси ва қайтиш шaroитлари ёзма меҳнат шартномасида аниқ белгиланиши зарур.

Шунинг учун Президентимиз фуқаролар рўйхатини шакллантириб, иш жойи ва яшаш шaroитини Беларусь томони билан олдин-дан келишган ҳолда ташкил қилишни қатъий белгиледи. Миграция агентлиғи ваколатхонасининг вазифаси ҳам фақат одам юбориш эмас, балки уларнинг меҳнат шaroитини назоратга олиш, муносабатларини тезкор кўриб чиқиш ва ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлиши керак. Чунки биз иш ўрни яратамиз деб инсоннинг кундалик ҳаётини манфаатларини назоратсиз қолдиришга ҳақли эмасмиз. Янги ҳамкорлик модели, аввало, инсон қадрига асосланган меҳнат модели бўлиши шарт.

Иш ўрни — камбағалликни қисқартиришнинг энг таъсирчан йўли

Камбағалликни нафақа ёки бир марталиқ ёрдам билан вақтинча енгиллатиш мумкин. Аммо уни барқарор қисқартиришнинг энг тўғри йўли инсонга муносиб иш, касб, билим ва бозор беришидир.

Беларусда оилаётган янги иш ўринлари оила даромадини ошириш билан бирга фуқарога замонавий меҳнат маданияти, механизациялашган ишлаб чиқариш ҳамда сифат ва хавфсизлик стандартлари билан ишлаш тажрибасини беради. Бутун ишчи сифатида борган инсон эртага малакали мутахассис, бригадир, технолог ёки тадбиркор бўлиб

етишиши мумкин. Демак, бу ташаббус меҳнат орқали инсон капиталини ривожлантириш дастурига ҳам айланади.

Фуқаро уюшган, қонуний ва ҳимояланган тартибда ишласа, даромади оиласига, фарзандлар таълимига, уй-жойига ва кичик бизнесига сарфланади. Бир иш ўрни ортида кўпинча бир оиланинг турмуши, бир маҳалланинг харид қобилияти ва янги тадбиркорлик имконияти туради. Шу бois, Беларусда яратилган муносиб иш ўрнининг иқтисодий самараси Ўзбекистондаги хонадонга, маҳаллага ва ички бозорга ҳам қайтиб келади.

Ер Беларусда, маҳсулот икки халқ учун

Ҳамкорликнинг янада муҳим ва ўзига хос томони — Ўзбекистонликлар Беларусда фақат бошқа бировнинг корхонасида ишлаш учун бормайди. Уларга ўз агробизнесини ташкил қилиш, қишлоқ ҳўжалиғи объектлари ва ерлардан фойдаланиш имкониятлари ҳам тақдим этилмоқда.

Витебск вилоятининг етти та туманида 10 та қорамол боқиш объекти ва 8 минг гектар ерни ўзбек томони иштирокида ишга тушириш бўйича келишув мавжуд. У ерда етиштирилган гўштни Ўзбекистонга етказиб бериш режалаштирилган.

Бешенковичи туманида эса картошка етиштириш учун яна 2 минг гектар ер, маҳсулот сақлаш инфратузилмаси, уруғлик ва технология кўмак тақлиф этилмоқда. Кентроқ аграр лойиҳалар портфелида Минск, Витебск, Могилёв ва Гродно вилоятларида ўзбек тадбиркорлари иштирокида 65 минг гектар майдонда 35 минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексларини ташкил этиш каби йирик ташаббуслар ҳам ишлаб чиқилган.

Бу моделда Ўзбекистон фуқароси фақат ёлланма ишчи бўлиб қолмай, маҳсулот яратуви, инвестор ва тадбиркор сифатида иштирок этади. Беларусь ўзининг ер, бино, техника ва илмий салоҳиятини иқтисодий айланимга янада кенг қиритади, қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлиғи кенгайди. Уша ерда юрдошларимиз иштирокида етиштирилган гўшт, картошка, сут ва бошқа маҳсулотларни Ўзбекистонга юбориш имконияти пайдо бўлади. Биз тайёр маҳсулотни фақат сотиб олуви эмас, уни етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш занжири иштирокчисига айланади. Ер Беларусда бўлади, аммо унга ўзбек меҳнати, сармояси ва тадбиркорлиғи ҳам сингади, ҳосил эса икки халқ дастурхонига хизмат қилади.

Ўзбекистон аҳолиси ўсиб, гўшт, сут, картошка, болалар озуқаси ва бошқа сифатли маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Аммо сув ва ер ресурсларини чекланган. Албатта, биринчи вазифамиз — еримиздан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва ички ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Аммо замонавий озиқ-овқат хавфсизлиғи мамлакат чегараси ичиде етиштирилаётган маҳсулот билан бирга ишончли ҳамкорлик, диверсификацияланган таъминот, хориждаги қўшма ишлаб чиқариш, логистика ва бозорларга кириш имкониятларини ҳам талаб қилади. Суви ва озуқа базаси мавжуд ҳудудда қорамол боқиб, гўштни ўша ерда қайта

ишлаб, келишилган тартибда Ўзбекистонга етказиш ички табиий ресурсларимизга тушадиган босимни юмшатишга ва озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Бу бошқа давлат ресурсларидан бир томонлама фойдаланиш эмас, балки қонун, инвестиция, ижара, меҳнат ва ўзаро иқтисодий манфаатга асосланган замонавий аграр кооперациядир. Мана шу — стратегик шерикликнинг амалий иқтисодиёти.

Ҳамкорлик кеча бошланган эмас

Бугунги янги босқич бўш жойда пайдо бўлгани йўқ. Унинг ортида сўнгги йилларда шаклланган ишонч ва амалий тажриба бор. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш сўнгги беш йилда қарийб уч баробар ўсиб, ўтган йил якунида салкам 1 миллиард долларга етди. Жорий йил бошидан ўзаро савдо яна 30 фоиз кўпайди. Бутун икки мамлакат иштирокида 360 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Томонлар умумий савдо ҳажмини 2 миллиард долларга, аграр ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини эса 2030 йилгача 1 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ чора-тадбирларни келишиб олдилар.

Ўзбекистон Беларусга янги ва қайта ишланган мева-сабзавот, узум, полнз маҳсулотлари, дуқкакилли, ёнғоқ ва қуруқ мевалар етказиб бериши мумкин. Беларусь эса Ўзбекистон бозорига насли мол, гўшт, парранда маҳсулотли, сариёғ, қуруқ сўт аралашмалари, болалар озуқаси ва талаб юқори бошқа маҳсулотларни тақлиф этади.

Тошкент вилоятида Беларуснинг “Servolux Group” компанияси иштирокида тўлиқ цикли паррандачилик кластерини ташкил этиш ҳам ҳамкорликнинг амалий намунасидир. Унда инкубатор, бройлер етиштириш, озуқа ишлаб чиқариш, сўйиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ягона занжирда бирлаштирилмоқда. Лойиҳа тўлиқ қувватга чиққач, минглаб янги иш ўринлари яратилиши, ички бозор тўйинтирилиши ва Марказий Осиё бозорларига экспорт йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Энди бу тажриба паррандачиликдан чорвачиликка, картошка уруғчилигидан резаворчиликка, болалар озуқасидан логистикага бўлган кенг ҳамкорлик тизимига айланмоқда.

Картошкадан болалар озуқасигача

Беларусь картошка уруғчилиғи, сут ва гўшт чорвачилиғи, озиқ-овқат маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ветеринария, қишлоқ ҳўжалиғи машинасозлиғи ва аграр илм-фан соҳаларида кучли илмий-амалий мактабга эга. Аввалги йилларда Беларусь селекциясига мансуб картошканинг бешта нави ҳудудларимизда синовдан ўтказилди. Истиқболли “Лилия” ва “Юлия” навлари “in-vitro” усулида кўпайтирилиб, Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Қашқадорь вилоятларида экилди ҳамда уларнинг юқори авлод уруғлик материаллари тайёрланди.

Бу гағли ташриф давомида ҳамкорлар билан Беларуснинг янги элита картошка

навлари, жумладан, “Першацвет”ни Ўзбекистон шaroитида маҳаллийлаштириш бўйича келишиб олдик. Шу билан бирга, энди картошкани Беларусь ҳудудида ўзбек тадбиркорлари иштирокида етиштириш, уруғлик материаллари ва илгор агротехнологиялардан биргаликда фойдаланиш учун ҳам янги имкониятлар очилмоқда.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги богдорчилик илмий-тадқиқот институти негизида Беларусь тажрибаси асосида резавор мевалар, жумладан, “жимолость” етиштириш бўйича тажриба-намоиши майдонларини кенгайтириш ва дастлаб 10 гектарда 33 минг дона қўчат етиштириш режалаштирилмоқда. Беларуснинг “Беллакт”, “Гамма вкуса” ва бошқа корхоналари билан Ўзбекистон бозори учун бошқа бозор озуқаси, сут, ёғ, твoрoг, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Бу ҳамкорлик болалар озуқаси сифати, рецептураси, хавфсизлиғи ва хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ технологияни ўрганиш имконини беради. Озиқ-овқат хавфсизлиғи ҳақида гапирганда, маҳсулот микдори билан бирга унинг сифати, бола ва она саломатлиғи учун аҳамиятини ҳам ўйлашимиз керак.

Катта илмий аграр салоҳият

Ушбу ташриф давомида Беларусь Миллий фанлар академияси раҳбарияти, аграр соҳа мутасаддилари ва илмий ташкилотлар вакиллари билан қатор учрашувларда қатнашдик. Музокараларда яна бир нарсга амин бўлдим: Беларусь билан ҳамкорликнинг энг катта қиймати ер, мол ва техника билан чекланмайди. Унинг муҳимлиғи йиллар давомида шаклланган илм-фан, селекция, уруғчилик, ветеринария, механизация ва аграр таълим мактабидир.

Беларусь Миллий фанлар академиясининг Жодино шаҳридаги Ерчилик бўйича илмий-амалий маркази энклар селекцияси, элита уруғлар, генетик ресурслар, ресурстежамкор агротехнологиялар ва аниқ деҳқончилик бўйича муҳим тажрибага эга. Ўзбекистоннинг Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ва Миллий генбанк вакилларининг ушбу марказ билан генетик ресурсларни йиғиш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлиғи аввалдан бошланган.

Энди қорамол генетикаси, юқори маҳсулдор голштин, симментал, беларусь қизил, герефорд ва ангус зотлари билан ишлаш, фермер ҳўжаликлариде биохафсизликни таъминлаш, сунъий уруғлантириш техникаларини тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу жараёнда “Белпемживобъединение” ҳамда Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси иштирок этиши кўзда тутилган.

Тошкент давлат аграр университети, Беларусь олий таълим муассасалари ва илмий-амалий марказлари иштирокида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар алмашинуви, қўшма конференциялар, семинарлар, дала намойишлари ва малака ошириш курсларини

ўтказиш ҳам режага киритилган. Бу ерда энг муҳим тамойил шуки, илмий ҳамкорлик фақат олимдан олимга ёки мақоладан мақолага ўтмаслиғи керак. У лабораториядан фермага, фермадаги натижадан ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришдан эса бозор ва инсон даромадига етиб бориши шарт. Чунки ҳақиқий илм ҳаётга кирган илмдир.

Технология ва янги бозорлар мактаби

Беларусда ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш Ўзбекистонлик мутахассислар учун бошқа иқлим, ишлаб чиқариш маданияти ва технологик муҳитни ўрганиш имконини ҳам беради. У ерда чорвачилик биноларида автоматлаштириш, озуқа рационини аниқ ҳисоблаш, наслин назорат қилиш, сут ва гўшт сифати, совуқ занжир, ветеринария назорати, маҳсулотни саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашга катта эътибор берилади. Бундай муҳитда ишлаган инсон фақат бир амалии эмас, уруғ ёки генетик материалдан бошланиб, парвариш, ветеринария, озуқа, маҳсулот, қайта ишлаш, сифат назорати, қадоқлаш, логистика ва бозоргача етадиган бутун ишлаб чиқариш занжирини кўради. Кейин бу билим Ўзбекистонга қайтади.

Беларусь биз учун маҳсулот ва иш ўрнидан ташқари аграр технология, кадрлар тайёрлаш ва саноатлашган қишлоқ ҳўжалиғини ўрганиш мумкин бўлган муҳим ҳамкордир. Бугун бизга тайёр техника ёки ускуна сотадиган шерикнинг ўзи етарли эмас. Биз технологияни биргаликда ўзлаштирадиган, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирадиган, муҳандис ва технологларни тайёрлайдиган, сервис ва эҳтиёт қисмлар тизимини яратадиган ҳамкорларга муҳтожмиз. Беларуснинг кучли муҳандислик мактаби, машинасозлик, аграр механизация ва узоқ мuddатли ишлаб чиқариш кооперацияси борасидеги тажрибаси айнан шу жиҳатдан муҳим. Ҳақиқий ҳамкорлик тайёр маҳсулотни сотиб олишдан уни қандай яратишни биргаликда ўрганишга ўтганда бошланади.

Янги логистика марказлари, тўғридан тўғри блок-поездлар ва савдо уйлари икки мамлакат маҳсулотларини тезроқ ва арзонроқ етказиш, кейинчалик бошқа бозорларга чиқиш учун янги кўприк бўлиши мумкин. Орша станциясида экспорт-импорт юклари учун интер-модал логистика марказини ишга тушириш ва тўғридан тўғри блок-поездлар қатновини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Рақамлар ортида одамлар ва масъулият бор

Ташриф ва унга тайёргарлик жараёнида йирик иқтисодий портфель шакллантирилди. Умумий қиймати қарийб 2 миллиард долларлик 310 та лойиҳа ва чора-тадбирни амалга ошириш режалаштирилган. Улар орасида қишлоқ ҳўжалиғи, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик, ёгончи қайта ишлаш, тиббиёт ва бошқа соҳалар бор.

Батафсил ҳамкорлик дастурида аграр соҳанинг ўзида 53 та, умумий қиймати 424 миллион доллардан зиёд лойиҳа шаклланган. Бу рақамларнинг мазмунини амалда очилган: лойиҳалар янги иш ўринлари яратиб, оилалар даромадини оширса, минглаб гектар ерни иқтисодий айланимга киритса, мутахассисларга янги билим ва малака берса ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини халқимиз дастурхонига ишончли ва мабул нархларда етказса, 424 миллион доллар ишга тушган фермага, маҳсулот бераётган ерга ва барқарор даромадга айланади.

Икки Президент сиёсий ирода билан катта имконият яратди. Энди вазириликлар, ҳокимликлар, агентликлар, банклар, тадбиркорлар, олимлар ва миграция тузилмаларининг вазифаси бу имкониятни аниқ натижага айлантириш, яъни очилган эшик олдида одамларни кутиб қолдирмасликдир. Ҳар бир келишув аниқ лойиҳага, ҳар бир лойиҳа эса амалий бизнес режа, белгиланган ер ёки ишлаб чиқариш объекти, молиялаштириш манбаи ва бозорга эга бўлиши лозим. Ҳар бир иш ўрни ёзма шартнома ва муносиб меҳнат шaroити билан таъминланиши, ҳар бир илмий дастур дала ёки фермада қуринадиган натижага айланиши шарт. Зеро, Президентимиз ана шундай талаб қўйди. Бу талаб тўғри: ишонч имконият яратди, натижани эса интизом, ҳисоб-китоб ва масъулият таъминлайди.

Энди натижа ўзимизга боглиқ

Бу ташриф икки мамлакат имкониятларини бирлаштирадиган тарихий асос яратди. Энди режаларни иқтисодий жиҳатдан пухта ҳисоблаб, фуқароларни касб ва тил бўйича тайёрлаш, меҳнат шартномаларини доимий назорат қилиш, тадбиркорларга молиявий ва ҳўқуқий ёрдам бериш, маҳсулот сифати ва логистикасини таъминлаш зарур. Келишувлар қанчалик йирик бўлмасин, уларнинг самараси бажариш интизими ва одамлар манфаатига қанчалик хизмат қилишига боглиқ.

Энг мураккаб босқич икки давлат раҳбарининг сиёсий иродаси, шахсий ишончи ва халқларимиз келажакда масъулиятли муносабати билан бу имкониятни яратиш эди. Энди уни ҳалол меҳнат, аниқ ҳисоб-китоб ва интизом билан ривожлантиришимиз, ерни ҳосилга, ҳосилни маҳсулотга, маҳсулотни даромадга, даромадни эса инсон фаровонлигига айлантиришимиз керак. Дўстликнинг ҳақиқий ҳосили одамлар ҳаётида намоён бўлади. У муносиб иш ҳақи олаётган меҳнаткаш, янги касб ва замонавий технологияни ўрганаётган ёшда, фарзандини мактабга қолтирма кузатётган оилада, қайта ишга тушган фермада ва бозорга чиқарилган сифатли маҳсулотда кўринади. Энг муҳими, у икки халқ дастурхонига фаровонлик, оилаларига эса ишончли келажак олиб келиши керак.

Беларусда янги эшик очилди. Энди бу эшикдан ишонч билан, аммо ҳисоб-китоб, интизом ва инсон қадрини устун қўйган ҳолда киришимиз керак.



Фан олимпиадалари



Бошланиши 1-бетда

Халқаро кимё олимпиадаси (IChO) кимё фанини ўрганаётган ўрта мактаб ўқувчилари учун энг нуфузли йиллик мусобақадир.

1968 йилда илк бор Прага шаҳрида ташкил этилган олимпиадада бор-йўғи 3 та давлатдан ўқувчилар иштирок этган бўлса, бу гапчи олимпиада 90 дан ортқ мамлакатни қамраб олди ва дунёнинг энг иқтидорли ёш кимё мутахассисларини бирилаштирди. Ўзбекистон эса 2003 йилдан буён мазкур нуфузли мусобақада иштирок этади.

Ҳар йили дунёнинг етакчи давлатларидан энг иқтидорли ўқувчилар мазкур мусобақада назарий билим ва лаборатория кўникмаларини халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказида.

Бугунги кунда IChO нафақат билимлар беллашуви, балки илмий ҳамкорликни ривожлантириш, турли мамлакатлар ёшлари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда келажак олимларини бирилаштирувчи нуфузли халқаро платформа сифатида эътироф этилмоқда.

Олимпиаданинг бу йил мамлакатимизда ўтказилишида алоҳида маъно бор. Кейинги йилларда таълимга берилётган эътибор, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни халқаро фан олимпиадаларига тизимли тайёрлаш ва замонавий таълим муҳитини шакллантириш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар бугун дунё ҳамжамияти эътибори марказида. Турли минтақавайи ва халқаро олимпиадаларда юқори ўринларни қайд этиб, юртимиз шаънини кўтарётган иқтидорли ўғил-қизларнинг ютуқлари дунё таълими саҳнасида муносиб эътироф этилаётир.

Бунда Президентимизнинг 2024 йил 30 сентябрдаги “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Фан олимпиадалари марказининг ўрни алоҳида. Мазкур марказ фаолияти доирасида халқаро стандартлар асосида фан олимпиадаларига тайёргарлик тизими йўлга қўйилди. Хорижлик мураббий ва экспертлар жалб қилинди, терма жамоалар учун интенсив ўқув йиғинлари ташкил этилди, замонавий лабораториялар ва илмий-методик база шакллантирилди.

Бу нуфузли фан олимпиадаларининг юртимизда ташкил этилиши учун зарур шарт-шароит ҳозирлади. Кенг имконият, замонавий шарт-шароит ва юқори даражадаги ташкилий ишлар мамлакатимиз нуфузли халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилишига имконият яратди.

Олимпиадага тайёргарлик 2024 йилдан изчил бошланди. Жумладан, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган 56-ва 57-IChO тажрибаси ўрганилди. IChO 2026 расмий логотипи ва веб-сайти ишлаб чиқилди. Делегациялар билан ишлаш учун махсус ахборот платформаси яратилди. Назарий ва амалий топшириқларни тайёрлаш учун халқаро илмий кўмита шакллантирилди, лабораториялар халқаро стандартларга мос жиҳозланди. Реагентлар ва замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди.

Илмий кўмита таркибига Гарвард университети (АҚШ), Билкент университети

2026 йилда Ўзбекистон биринчи марта халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилди. Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистоннинг фан ва таълимни ривожлантиришга эътибори, замонавий таълим тизими ютуқларини глобал миқёсда намойиш этиш имкониятини берди.

КЎЗГҮ 5

2026 йил 21 июль, 146-сон

ДУНЁ ЁШ КИМЁГАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ буюк кашфиётларга қўйилган мустаҳкам қадамдир

(Туркия), ETH Zurich (Швейцария), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда Прага кимё ва технология университети каби дунёнинг етакчи илмий марказлари вакиллари жалб этилди.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган 58-халқаро кимё олимпиадаси дунёнинг турли бурчакларидан келган ёш иқтидор эгаларини ақл, изланиш, жасорат беллашувида бирилаштирди. Ҳар бир тажриба келажак кашфиётларига қўйилган яна бир мустаҳкам қадамга айланди.

58-халқаро кимё олимпиадаси синовлари икки асосий — амалий ва назарий босқич шаклида ташкил этилди. Ўйратилган тартибга кўра, амалий имтиҳонларда максимал 40 балл, назарий имтиҳонларда максимал 60 балл (жами 100 балл) белгиланди. Олимпиаданинг биринчи амалий босқичида иштирокчилар 3 та лаборатория топширигини бажарди. Бунинг учун уларга 5 соат вақт ажратилди.

Назарий синовлар доирасида кимё фанидан 9 та масала берилди. Мазкур масалалар орасида Ўзбекистонга оид қизиқарли саволлар ҳам ўрин олди. Бу хорижлик ёшларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини боийтиди. Болалар кимёда нафақат билимлари, балки орзу-мақсадлари, ижодкорлик ва кашфиётчиликка иштиёқини ҳам намойиш этди.

Ниҳоят ҳаяжонли дамлар. 18 июль куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи шукуҳли байрам тусини олди. Ёш кимёгарлар, уларнинг ўқитувчилари 58-халқаро кимё олимпиадасининг тантанали тақдирлаш маросимини чуқур энтикиш билан қарши олди. Бу лаҳзалар уларнинг ҳаётида илмга садоқат, юксак интилишнинг унутилмас саҳифаси сифатида муҳрланди.

Ғолиблар эълон қилинди. Ёш иқтидор эгалари мукофотларни қабул қилиб олар экан, зални тўлдирган олқишлар уларнинг илмга бағишланган меҳнатига энг юксак эҳтиром янглиг жаранглади.

— Баҳолаш жараёнлари шаффоф тарзда, ҳаммага тенг имконият таъминли асосида ўтказилди, — деди Фан олимпиадалари маркази директори Тўрабой Шерматов. — Ҳакамлар ҳайъати ва менторларнинг яқиний йиғилиш қарорига кўра, 41 ўқувчи олтин, 74 нафари кумуш, 112 нафари бронза медаль билан тақдирланди.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистондан иштирок этган ўқувчиларнинг барчаси

совринли ўринларни эгаллади. Хусусан, Райҳона Тўймуродова олтин, Жасур Мустафоев, Азизмуҳаммад Ҳафизов ва Миржалол Ҳомиджонов кумуш медалини қўлга киритди.

Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, ғолиблар ҳар бир олтин, кумуш ва бронза медаллар учун тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 35, 25, 15 баравари миқдоридида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди.

Олимпиаданинг самараси фақат медаллар сони билан ўлчанамайди. Ўқувчиларнинг ғолибликни қўлга киритиши ва моддий рағбатлантирилиши уларни руҳлантиради, келажакда дунёнинг энг яхши кашфиётларини яратишга замин ҳозирлайди. Зеро, тажрибалир кўрсатдики, аксарият ҳолларда дунёдаги энг омадли стартаплар, ғоялар муаллифлари собиқ олимпиадчилардир. Креатив фикрлаш, масала бошқача ракурсдан ёндашиш ва оптимал ечим бера олиш қобилияти жамият ва мамлакат ривожига ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бу оддий мусобақа эмас, балки интеллектуал дипломатия

IChO интеллектуал дипломатиянинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Чунки бу олимпиада турли давлатларнинг иқтидорли ёшлари, устозлари ва олимларини кимё илми атрофида бирилаштиради. Илмий мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Бу ерда рақобат билим орқали кечеди, кимёвий формулалар халқаро ҳамкорлик тилига айланади.

Ушбу мусобақа жамоавий натижалар эмас, балки индивидуал ютуқларни эътироф этади, халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун ғолиблар муносиб рағбатлантирилади.

Нима учун кимёга бу даражада эътибор деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Дунёда илм-фан ва технологиялар жадал

ривожланаётган бир пайтда кимё фанига эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Нанотехнология, биотехнология, фармацевтика, нефть-газ саноати ва юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларида кимё муҳандисларига талаб юқори. Кимё инсон ҳаётини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, саноатни ривожлантириш ва табиатни асрашда муҳим фанлардан бири саналади. Шу нуқтаи назардан, мазкур олимпиадани келажак технологиялари олимпиадаси, дейиш мумкин.

2026 йилда Ўзбекистон биринчи марта халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилди. Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистоннинг фан ва таълимни ривожлантиришга эътибори, замонавий таълим тизими ютуқларини глобал миқёсда намойиш этиш имкониятини берди. Олимпиадада минтақанинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўлиши ва янги авлод ўқувчиларини кимёда улкан марралар сари илҳомлантиришига умид бор.

Нуфузли тадбир ёшларнинг илм-фанга қизиқишини кучайтириши, халқаро академик ҳамкорликни кенгайтириши, мамлакатимизнинг туризм ва маданий салоҳиятини дунёга тарғиб қилиши билан аҳамиятли.

Олимпиадада саволлар 100 фоиз асл бўлиши керак, шундай бўлди ҳам, — дейди Тўрабой Шерматов. — Бу Ўзбекистонда илмий салоҳият юқори эканини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида 400 га яқин иштирокчи олимпиадада лаборатория босқичини бажаради. Бу 400 кишилик лаборатория Ўзбекистонда мавжуд эканини аналтади. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қисmini муҳокама қилди. Ўзбекистонга ишониб топширилган ушбу олимпиада мусобақа тарихида энг яхшиларидан бири бўлди, десак муболага эмас. 58-халқаро кимё олимпиадаси нафақат энг кучли ёш кимёгарлар беллашуви, балки янги Ўзбекистоннинг илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасидаги салоҳиятини дунёга намойиш этувчи тарихий воқеадир. Бунга фақат биз эмас, балки хорижлик меҳмонлар, халқаро илмий, бошқарув кўмита вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

Жон Леон КИАПШЕС, халқаро кимё олимпиадаси бошқарув кўмитаси раиси:

— Бу йилги халқаро кимё олимпиадаси жуда ўзгача бўлди. Ушбу нуфузли олимпиада Марказий Осиё минтақасида илк бор ўтказилди. Кимё фанига оид топшириқ ва вазифаларда Ўзбекистоннинг бой тарихи, юртингиздан етишиб чиққан машҳур олимлар ва муҳим воқеалар ўз аксини топди.

Ўзбекистоннинг миллий маданияти ва барчамиз гувоҳ бўлган самимий меҳмондўстлиги алоҳида бир мавзу. Бу ерда ҳар бир иштирокчи ўзини чин дилдан қўтиб олингандек ҳис қилди. Улар мамлакатингизнинг узоқ ва бой тарихи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлгандан мамнун.

Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг олимпиададаги натижаларига назар ташласак, улардаги ўсиш чиндан ҳам юқори. Атиги бир неча йил ичидаги ютуқлар ўқувчилар меҳнат қилаётганини, шунингдек, уларнинг оилалари, устозлари ва таълим муассасалари мамлакат таълим тизими томонидан қандай кучли қўллашилшини кўрди.

Бен ПИЛИГРИМ, Халқаро илмий кўмитанинг аъзоси:

— Кимё ижодкорлиқни рағбатлантиради ва чегаралардан ташқарига чиқадиган дўстликни мустаҳкамлайди. Жорий йил бу аънаъа Ўзбекистонда ўзгача мазмун касб этди.

Олимпиада фан чегара билмаслигини яна бир бор кўрсатди. Халқаро кимё олимпиадаси мамлакатингиз таълим тизими сифати, ёшларни тайёрлаш салоҳияти ва илмий мактаблар рақобатбардошлигини намоян этди. Унда юртингиз ўқувчиларининг муносиб иштирок этиши ва яхши натижаларга эришиши Ўзбекистонда замонавий таълим муҳитини шакллантириш ҳамда фундаментал фанларни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасидир.

Бу шу пайтгача ўтказилган энг яхши кимё олимпиадаларидан бири бўлди. Мезбонлар ажойиб меҳмондўстлик, мазали таомлар, ёқимли саёҳатларни тақдим этди. Ўзбекистон — қадамий мерос ва замонавий тараққиёт бирилашадиган мамлакат. Тарихий жойларга саёҳатимиз унутилмас таассуротларга ошно этди. Лекин, менимча, биринчи навбатда, мураббийларни ҳайратда қолдирган жиҳат ёш авлодга берилётган чуқур таълим бўлди.

Кимё олимпиадаси саволларининг аксарияти маҳаллий ўзбек муаллифлари томонидан тайёрланган. Улар мураккаб саволлар тўпламини тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Бу саволлар энг яхши ўқувчиларни аниқлашда қўл келди, шунингдек, барча мамлакатлардан келган ўқувчиларга турли мавзуларда ўз билимларини сынаб кўриш имконини берди. Саволларда, шунингдек, Ўзбекистон учун муҳим бўлган мавзуларга эътибор қаратилган ҳолда ёқимли миллий руҳ ҳам бор эди. Масалан, афсонавий олим Ибн Сино, унинг лабораторияси, эликсирлари ва юзлаб йиллар олдин ишлаган бирикмалари ҳақида.

Шомансур САГДУЛЛАЕВ, Фанлар академияси биринчи вице-президенти, академик:

— Фан олимпиадалари маркази иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган даврда Ўзбекистон терма жамоаси бир неча нуфузли халқаро олимпиадада тарихий натижаларга эришди. Ушбу нуфузли мусобақада ҳам тўрт ўқувчимизнинг самарали иштирок этиши, ташкилий масалаларнинг бекаму кўстлиги, барча жараёнларда холислик, ошкоралик тамойилларига амал қилинган мамлакатимиз илмий салоҳиятини яна бир бор намойиш этди.

Давлатимиз раҳбарининг асосий талаби ҳам иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўбга чиқариш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш ҳамда жаҳон миқёсида ватанимиз доверутини кенг таратган буюк аждодаларга муносиб авлодни тарбиялашдир.

Халқаро олимпиадалар нафақат илм-фан йўналишларида мусобақалашуви, шу билан бирга, 90 дан ортқ давлатдан келган иштирокчилар, уларнинг мураббийлари, халқаро экспертлар учун Ўзбекистон давлати ва халқимизнинг тарихи, маданий мероси, туб ислохотларнинг натижалари билан танишиш ва хулоса қилиш, янги дўстлар орттириш имконияти ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан, халқаро кимё олимпиадаси ёшларни кимё фанини чуқур ўрганиш, мустақил фикрлаш, илмий изланиш қилиш ва инновацион ғоялар устида ишлашга ундайди. Дунёнинг энг иқтидорли ўқувчиларини бирилаштирган бу нуфузли интеллектуал мусобақа иштирокчиларнинг илмий тафаккурини синовдан ўтказди.

Бугунги кунда сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва замонавий илмий тадқиқотлар жадал ривожланаётган шароитда олимпиада нафақат иқтидорли ёшларни аниқлаш, балки келажак олимлари, муҳандислари ва инновацион иқтисодиёт учун юқори малакали кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Бундай нуфузли олимпиадаларда муваффақият қозониш мамлакатимизнинг таълим тизими, илмий салоҳияти ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилади.



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Замон билан ҳамнафас

— Мен шахарга кўчиб кетишни хоҳлайман, чунки у ерда замонавий мактаблар бор. Орзуим ўшандай мактабда ўқиш. — Бизнинг мактаб кичик, биноси эски, шахарда эса янги ва чиройли мактаблар кўп.

Бир неча йиллар аввал қишлоқ болаларининг кўнглидан шундай фикрлар кўп бора ўтарди. Ўзимиз ҳам болалигимизда шахардаги замонавий мактабларда ўқишни орзу қилганимиз. Ҳозир бундай қарашлар ўзгарди. Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган эътибор, ёш авлоднинг муносиб билим олиши учун барча ҳудудларда бирдек шароит яратилганга асрадилашган сармоялар эвазига қишлоқлар ва олис ҳудудларда ҳам мактаблар учун кўп қаватли, замонавий бинолар қуриляпти, мукамал таъмирланяпти. Зарурат бўлган жойда қўшимча ўқув бинолари барпо этиляпти. Айни вақтда ҳудудларда бу каби ишлар янада жадаллашган.

Ёзги таътилда мактабларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари янада авж олади. Янги ўқув йилида ўқувчилар истаганидек замонавий, барча шарт-шароитга эга мактаб бағрини очади. Кармана туманида ҳам бу жараён қизгин амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда туманимизда 33 та умумий ўрта таълим мактаби ва 1 та мактаб филиали фаолият юритмоқда, — дейди Кармана тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Замира Ҳўжаева. — Ушбу мактабларда 22 минг 529 ўқувчи бор. Уларда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Жорий йил 1575 ўқувчи мактабни битирди. Уларнинг 34 нафари олтин, 12 нафари кумуш медаль олишга эришди. Айни вақтда туманимиздаги 15 та объектда 50 милярд 503 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш

ишлари олиб бориляпти. Бу жараёнда 12 та мактабда қўшимча бино, 3 та 180 ўринли мактаб қуриляпти. Улар янги ўқув йилида ўқувчиларга муносиб туҳфа бўлади. Чунки ҳар битта мактаб замонавий стандартларга мослаб қурилмоқда. Қурилиш олиб борилаётган мактаблар янги жиҳозлар билан таъминланган. Албатта, замонавий мактаб имкониятлар эшигини очади. Ёшларнинг ўқиб-ўрганишга иштиёқини кучайтириб, жараёнда зарур бўлган барча шароитни муҳайё қилади. Биргина мисол, туманининг Катта маъит маҳалласидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби 1956 йилда қурилган. Бугун эски бино мукамал таъмирланиб, 3 қаватдан иборат 540 ўринли қўшимча бино қуриляпти.

— Мактабимизда 600 ўқувчи таълим олади, — дейди мазкур мактаб директори Соҳиба Эшонқулова. — Эски мактаб тўлиқ қамров учун кичиклик қилаётган эди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланганча минг ўқувчига таълим бериш имконига эга бўламиз. Бинода замонавий шароит яратилаётгани таълим сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Айни вақтда туманда инвестиция дастури доирасида ҳам иккита мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, 20-умумий ўрта таълим мактабига қиймати 1 милярд 930 миллион 900 минг сўм эвазига спорт зали ва 15-умумий ўрта таълим мактабига 7 милярд 765,5



ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚДИ ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ҲАМ КЎРКАМ МАКТАБЛАР БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

миллион сўм эвазига ўқув биноси мукамал таъмирланяпти. Маҳаллий бюджет ва бошқа маблаглар ҳисобидан эса тумандаги 27-умумий ўрта таълим мактабига сунъий қопламали стадион ва воркаут майдончаси қуриляпти. 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига лойиҳа қиймати 1 милярд 800 миллион сўм бўлган мукамал таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Ислом тараққиёт банкнинг “Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш” дастури маблаглари ҳисобидан ҳам туманда улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, 12 та давлат

мактабгача таълим ташкилоти ва мактаб ушбу дастур асосида бутунлай янги қиёфага келтирилмоқда. Ўрганиш асосида уларда мукамал таъмирлаш, қўшимча бино қуриш ишлари олиб борилмади.

— Айни вақтда 630 ўринли мактабимиз биноси капитал таъмирланяпти ва 540 ўринли янги бино қурилмоқда, — дейди Кармана туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби директори Намозжон Саидов. — Янги бинода электр энергиясини тежашга мослаштирилляпти. У қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Шу вақтгача синфхоналар етишмагани боис, икки сменада таълим беришга мажбур эдик.

Қурилиш якунлангач, бу масала ҳам тўлиқ ечим топади. Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, китобхонлик ва бошқа танловларда юқори натижаларни қўлга киритиб келяпти. Янги ўқув йилида улар замонавий, янги қиёфадаги таълим масканида тахсил олиб, ҳар йилгидан ҳам кўпроқ ютуқларга эришишга ишонамиз.

Аксарият таълим масканлари аллақачон янги ўқув йилига тайёр бўлган. Жумладан, тумандаги 32-умумий ўрта таълим мактаби барча замонавий шароитларга эга бўлиб, янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилган. Бу таълим маскани ҳам шахардаги

мактаблардан қилинмайдн. Унинг таъмирида таълим бериш учун барча жиҳат инобатга олинган. Фақат ўқувчилар ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб, замонавий шароитлардан унумли фойдаланиб, билим олса қифоя.

Мамлакатдаги ҳар бир соҳа ривожига салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, унинг туб илдизи бўлган таълимга бориб тақалади. Қачонки, зарур шарт-шароитга эга, илгор билимларни эгаллаш учун жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган ва замон талабига мос педагоглар фаолият олиб борадиган мактаблар сони кўпайса, қўзланган натижага эришилади. Кармана тумани мисолида кўриш мумкинки, энг олис ҳудудларда ҳам биз ва ёш авлод истаган таълим масканлари бунёд бўлмоқда.

— Мактабимиз 330 ўринли бўлиб, 2024 йил сентябрда фойдаланишга топширилган эди, — дейди Кармана туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактаби директори Зулфия Ҳабибуллаева. — Замонавий имкониятлар тўғрисида педагогларимизнинг ҳам тоифалари ошиб бормоқда. Тўрт нафар ўқитувчимиз 70 фоизлик устамани қўлга киритди. Ўқитувчиларимизнинг 80 фоизи олий ва 1-тоифали педагоглар ва халқаро сертификатларга эга. Ўқувчиларнинг 80 фоизи турли сертификатлар олган. Мактабимиз замонавий, охириги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Шунингдек, кутубхонамиз ҳам жуда чиройли ва катта китоб фондига эга.

Бир сўз билан айтганда, бугун шахар ва қишлоқлардаги мактаблар ўртасида деярли тафовут йўқ. Энг чекка қишлоқларда ҳам жаҳон стандартларига мос келадиган мактаблар бунёд этилди. Бу эса ўқувчиларнинг билимлари янада ошиб, салоҳияти юксалишига замин яратмоқда. Бундай замонавий таълим масканларида эса келажакнинг ҳақиқий бунёдкорлари камол топиши шубҳасиз.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида алломалар илмий меросини ўрганиш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларни яратилди. Хоссатан, 2017 йил 27 март куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.



Мехрождин АМОНОВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур қарорда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2016 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббус асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш белгиланди.

Марказ фаолиятининг асосий вазифалари этиб Имом Бухорий ҳамда бошқа буюк мутафаккирларнинг улкан илмий ва диний меросини ўрганиш, ислом цивилизациясининг умуминсоний қадриятларини, жумладан, халқимиз маънавияти ва маданияти ривожидagi ўрни ҳамда аҳамиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш каби масалалар белгилаб берилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини самарали ташкил этиш, илмий салоҳиятини ошириш ва буюк алломалар меросини чуқур ўрганиш борасидаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш, ислом дини ва ҳадис илми ривожига беқийс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар

63 гектарли ушбу ҳудудга кирган одам, аввало, унинг кенглигини ва маҳобатини ҳис қилади. Масжиднинг олд қисмидаги катта ҳовуз, атрофидаги кенг майдон, гумбазлар, миноралардаги уйғунлик сезилади. Масжиднинг кириш ва айвон пештоқларида юздан ортиқ оят ва ҳадис ёзилган.

Боқий мерос



ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ МАҲОБАТИ

томонидан асос солинган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳамда ислом дини асослари ва ҳадис илмини мукаммал ўзлаштирган олий маълумотли етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига беқийс ҳисса қўшган улуг ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар қилиш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш Ҳадис илми мактабининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шунингдек, ҳадисшунослик мактаби шаклланиши ва ривожланиши, унинг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва натижалари асосида ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш мақсад қилиб олинди.

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг замонавий қиёфаси ҳақида сўз юритганда, аввало, Президентимизнинг 2017 йил 14-15 апрел кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Имом Бухорий мажмуаси ҳудудида халқаро тажрибани ўрганиш асосида илмий марказ қурилиши бўйича топшириқ берилгани ёдга олишимиз лозим. Шу муносабат билан мажмуа ҳудудига тугташ 5,8 гектар ер майдонини илмий марказ ҳамда унинг қаршисида 3 та уч қаватли турар жой қурилиши учун ажратилган.

Президентимизнинг 2018 йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Имом Бухорий мажмуасини қайта қуриш лойиҳа-таклифи ҳамда Хартанг қишлоғининг бош режа-лойиҳаси маъқулланди.

Халқаро илмий марказ қурилишининг умумий лойиҳа қиймати 122 миллиард сўмни



ташкил этди. Шу билан бирга, илмий марказ қаршисида 3 та икки қаватли, 18 хонадонли турар жой ҳамда мажмуага олиб боровчи Оқдарё-Кулбости автомобиль йўли бўйида миллий кўринишдаги, 2 қаватли 62 та коттеж қуриб битказилди.

Ишлаб чиқилган бош режа ва лойиҳа таклифи мувофиқ, мажмуанинг умумий жойлашув ер майдони 60,4 гектарни ташкил этиб, мажмуа тўлиқ қайта реконструкция қилиниши белгиланди. Жумладан, муассасага кириш қисмидаги мавжуд бир қаватли бинолар икки қаватли қилиб қурилди.

Шунингдек, мажмуада қўшимча бино-иншоотлар — тўрт қаватли битта катта меҳмонхона, уч қаватли 6 та ўрта меҳмонхона, икки қаватли 20 та кичик меҳмонхона, супермаркет, йирик савдо маркази, деҳқон бозори,

новвойихона, ресторан, учта автотураргоҳ каби қурилишлар лойиҳалаштирилди.

Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш бинолари ҳам бор. Битта тўрт юлдузли, иккита уч юлдузли ва 22 та оилавий уй меҳмонхона ташкил этилди.

Имом Бухорий мажмуаси ҳудудига тугташ Оқдарё-Кулбости автомобиль йўли олти тасмали этиб кенгайтирилиб, Хартанг қишлоғини 5 километр масофада тўлиқ айланиб ўтадиган қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тугтган юксак мактеб, улкан салоҳиятга эга муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.

Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганида мажмуа қурилиши жараёни билан

танишиб, бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаш бежиз эмас.

63 гектарли ушбу ҳудудга кирган одам, аввало, унинг кенглигини ва маҳобатини ҳис қилади. Масжиднинг олд қисмидаги катта ҳовуз, атрофидаги кенг майдон, гумбазлар, миноралардаги уйғунлик сезилади. Масжиднинг кириш ва айвон пештоқларида юздан ортиқ оят ва ҳадис ёзилган.

Хусусан, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳул Бухорий” асарида 75 та ҳадис келтирилган. Мажмуада QR-кодлар орқали кўплаб тилларда ушбу ҳадис ва оятларни ўқиш имконияти яратилган бўлиб, ташриф буюрувчилар нафақат зиёрат, балки янги илм ва маърифатдан баҳраманд бўлиб кетишлари кўзда тутилган.

Ичарига кирган одамни, биринчи навбатда, гумбазнинг ички қиёфаси ҳайратга солади. Масжиднинг марказий қисми 40 метрдан ортиқ баландликка кўтарилган. 19 метрли асосий гумбаз ва уни ўраб турган кичик гумбазлар маҳобати хизмат кўрсатиш бинолари ҳам бор. Битта тўрт юлдузли, иккита уч юлдузли ва 22 та оилавий уй меҳмонхона ташкил этилди.

Масжид ичкариси ва ташқарисида жами 80 та китоб жавони бор. Зиёратчилар мутолаа қилиш учун ўн мингга яқин диний-маърифий китоб мунтазир.

Масжиднинг ички ва ташқи фасади, устун ва безаклар тўлиқ мрамар тошлардан қилинган

бўлиб, бу бино мустаҳкамлиги, ранглари узок муддатларда ўзгармаслигини таъминлайди. Иссиқ ва совуқ об-ҳаво шароити инобатга олинган. Мрамар тошлар асосан Греция, Афғонистон, Туркия, Финляндия, Португалия ва Ҳиндистондан келтирилган.

Мажмуанинг ичкари ҳовлисида ҳам каттагина ўзгаришлар қилинган. Хусусан, Имом Бухорий мақбараси энгига ҳам, бўйига ҳам сезиларли кенгайтирилган. Фавворалар, манзарали дарахтлар, маҳобатли устунлар беағи киши эътиборини тортмай қолмайди. Ички ҳовли ҳам бир вақтнинг ўзида минглаб зиёратчинини қабул қилиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат. Жаҳон илмий жамоатчилиги нафақат ислом, балки дунё цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, диний ва дунёвий фанларни бирдек ўрганиб, уларни жамият ҳаётига таъбиқ этиш олган Мовароуннахр олимларининг маънавий-маърифий меросини ўрганишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу борада ислом таълимоти асосларидан ҳисобланган ҳадисларни жамлаб, улар орасидан ишончлиларини ажратиб берган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Дориний каби муҳаддис аждодларимиз ҳаёти ҳамда асарлари тадқиқи муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимизни тиклаш ва юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Улуғларга эҳтиром кўрсатиш, улардан ҳар жиҳатдан сабоқ олишга қаратилган оқилона сиёсат қўйилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад — исломиа этиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун ҳудуд катта бурч” дир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, Имом Бухорий мажмуасида аллома ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритувчи музей ташкил қилинди.

Имом Бухорий инновацион музейи бевосита давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 17-18 август кунлари Саудия Арабистонида давлат ташрифи давомида Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейи билан яқиндан танишиб қайтгандан сўнг, 2022 йил 24 август куни Имом Бухорий мажмуаси қурилишига ташрифи давомида берилган кўрсатмалари асосида барпо этилди.

Имом Бухорий музейини очиш масаласи ҳар қачонгидан кўра долзарб эди. Бойси, халқимиз асрлар давомида ислом оламида Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланган “Саҳиҳул Бухорий” асарида мосуво бўлиб келди. Ҳолбуки, хорижда Имом Бухорийнинг мазкур асари аллақачон кўплаб тилларга таржима қилинган, шарҳлари билан нашр қилинган. Алломанинг аҳамият жиҳатидан бундан кам бўлмаган бошқа асарлари ҳам бор ва улардан бутун musulmon дунёси баҳардор.

Биз Имом Бухорий ва унинг илмий меросини тадқиқ қилганимиз сайин алломанинг ҳаёт йўлини ўрганиш бутунгчи кундаги энг муҳим вазифалардан бири эканини теран англамоқдамиз. Олимнинг илм йўлидаги жасорати, чеккан машаққати, қувваи ҳофизаси қанчалар беназир бўлганини ўрганиш ёшларни янги илмий тадқиқотлар сари етаклайди.

Имом Бухорий мажмуаси фақат бино ва иншоотлардан иборат маскан бўлиб қолмай, инсон қалбини забот этадиган, айниқса, ёшларнинг ҳаётида адашмасдан, тўғри йўлни топишга хизмат қилувчи илмий дароҳ, шунингдек, аллома ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи электрон музейга айланоқда. Музейда ислом дини ва хусусан, ҳадис илми тараққиёти, аллома ҳаёти, фаолияти ва илмий меросининг замонавий ахборот технологиялари орқали намоиш этилиши йўлга қўйилган.

Обод манзиллар

Қўнғирот тумани Қорақалпоғистоннинг энг қадимий ва бой тарихга эга гўшаларидан бири. Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелдаги қарори билан Қўнғирот туманини 2025-2026 йилларда жадал комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган эди. Дастур сабаб бошланган бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг инфратузилмасини янгиллаб, маънавий ва маданий қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

Мазкур ҳудуд азалдан буюк цивилизациялар туташган, халқлар ва маданиятлар келишган замин бўлган. Бу ердан ўтган савдо йўллари — Буюк ипак йўлининг тармоқлари асрлар давомида минтақанинг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб хизмат қилган. Қўнғирот нафақат олди-сотди, балки илм-маърифат ва тажриба алмашинуви майдони бўлган. Ҳозир ҳам қадим қарвонлар изи, тарих нафаси ва аждодлар хотираси ҳар қадамда сезилиб туради. Тарихий хужжатлар ва архив маълумотларига кўра, Қўнғирот қалъаси XVIII-XX асрларда мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, халқни ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилишда муҳим



Умитай ТИЛЕУМУРОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Қўнғирот тумани бўлинмаси раҳбари

роль ўйнаган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ҳатто XIV асрда ҳам Қўнғирот қўрғонида маҳобатли дарвозалар бўлган. XIX асрда Тўрабий қалъасининг шимолий қисмида жойлашган Мустафо эшон дарвозаси ҳудуднинг муҳим кириш нуқтаси саналган.

Қўнғирот қалъасининг ғарбий томонида жойлашган бош дарвоза эса 1930 йилларгача ўз ҳолатини сақлаб келган. Устурт текислигидаги яна бир тарихий маскан — Белеули қарвонсаройи дарвозаси ўрта асрлар меъморчилигининг юксак намунаси дур. Белеули биноси минтақавий қарвонсаройлар учун одатий режага эга бўлиб, ёпиқ тўртбурчак ҳовли, хоналар ва ўўжалик хоналари билан ўралган. Кўринадики, қадимий Қўнғиротда дарвоза тушуначаси шунчаки меъморий атама эмас, балки хавфсизлик, кут-барак ва меҳмондўстлик рамзи ҳисобланган. Бугун туманининг ўша тарихий ҳақиқатлари қайта тикланмоқда.

Президентимиз қарори асосида Қўнғирот тумани марказига олиб кирувчи ва чиқувчи йўллари тубдан реконструкция қилиш белгиланди. Лойиҳа туман логистикасини яхшилаш ва аҳолига қулайлик яратишда муҳим аҳамиятга эга. Йўл бўйида савдо ва сервис хизматлари очилади. Бу эса янги иш ўринларини яратиб, аҳоли фаровонлигини оширади. Йўлнинг бошланиш қисмида Қўнғирот туманининг ўзига хос ташриф қозғоғига айланиши кутилаётган замонавий дарвоза қад ростлайди.

Бу лойиҳа юзасидан яқинда туман ҳокими Бехзод Мадаминов иштирокида нуронийлар, фаол ёшлар ва зиёлилар билан учрашув ташкил этилди. Таъкидланишича, бу дарвоза шунчаки қурилма эмас, Қўнғирот халқининг



азалдан шаклланган меҳмондўстлик, очиклик ва самимият йўғрилган қадриятлари рамзий ифодага бўлади. Қадимий дарвозалар анъанаси замонавий архитектура билан боғлаб, янги тараққиёт босқичига қадам қўяётганимизни аниқлатади.

Ушбу маскан келажакда сайёҳлар учун жозибадор нуқтага айланиши шубҳасиз. Зеро, дарвоза орқали кириб келган ҳар бир инсон

шонли тарих ва порлоқ келажак уйғунлигини кўради. Яна бир факт. Белеули қарвонсаройи Қорақалпоғистон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилиб, муҳофазатга олинган.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компютер марказида сақифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 29609 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов Мусахҳх: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Кабулхона: (71) 233-56-33 Эълолар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишлов телефони: (71) 233-56-60	Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
				Ўза яқуни — 01:46 Тошхирлиди — 01:50